



## ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭЪТИШНИНГ ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ

**Тошмирзаева Шахноза Болтанаровна**

**Xalikova Xumora Atitillaevna**

**Абдулхамидова Мушаррафхон Козимжоновна**

*Анджон давлат педагогика институти магистрантлари,*

**Запаров Абдуқаххор Абдумаликович**

*профессор.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаби технология дарсларини инновацион ёндошув асосида ташкил эътишнинг мазмуни, метод, шакл ва воситалари ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Инновация, инновацион жараёнлар, инновацион таълим, инновацион технологиялар, Технология таълими, технологик компетенция, компьютер соводхонлиги, ахборот муҳити.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган технология фани ўқув дастурида технология инсон манфаатлари йўлида материя, энергия ва ахборотларни ўзгартириш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақидаги фан сифатида таърифланади.

Умумий ўрта таълимда технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларда техник-технологик ва операцион билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, касб-ҳунар танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияларини шакллантиришдан иборат[1].

Таҳлиллардан маълум бўладики, “технология” тушунчасига унинг ривожланиши ва моддий ишлаб чиқариш жараёнларини белгилашдан инсон эҳтиёжларини таъминлаш бўйича кенг қайта ўзгартириш фаолиятини аниқлашга ўтиш ҳақидаги ёндашувларда фаол ва муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Бунда технология кенг маънода инсоннинг нафақат моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолияти, балки умуман қайта ўзгартириш фаолияти сифатида ҳам тушунилади.

Технологияга оид асосий ғояларни, хусусан, асосий концепцияларни ўрганиш шуни кўрсатадики, мамлакатимиз педагогикасида ўқувчиларнинг технологик тайёргарлигига табиий-илмий, тузилмавий, функционал ёндашувлар, энг жиддий тарзда, ишлаб чиқариш фаолияти аспектида қараб ўтилади.

Тадқиқотчилар мактаб ўқувчиларининг амалий йўналтирилган янги ўқитиш тизимига ўтишининг шарт-шароитларини аниқлашга катта эътибор берди. Қатор педагог олимларнинг ишларида жамиятдаги таълим салоҳиятини ва ундан фойдаланишни ҳамда эҳтиёжларни ҳисобга олиб, мослашувчан





технологик тайёрлашни амалга ошириш имкониятлари баён этилган [2,3,4,5]. Кенг доирадаги мутахассисларнинг жамоавий саъй-ҳаракатлари янги таълим соҳасининг методик, кадрлар ва ахборот таъминотини таъминлаш йўлларини аниқлашга қаратилди.

Шахс ривожланишининг ёш даврини ҳисобга олиб, мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришда қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

–ўқувчиларда технологик билим, кўникма ва малакаларни, меҳнат предметлари ва воситаларидан фойдаланиш функционал саводхонлигини шакллантириш;

–фикрлар доирасини кенгайтириш ва фан асосларини ўрганишда олинган билим ва малакаларни технологик фаолиятда мустаҳкамлаш;

–ўқувчиларда фаол ҳаёт позицияни, рақобатбардошликка тайёрликни, бозор муносабатлари тизимига фаол кириша олиш қобилиятини тарбиялаш;

–ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, лойиҳалаш фаолияти, тадбиркорлик асосларини эгаллаш;

–муҳим касбий сифатларни шакллантириш ва аниқлаш;

–меҳнат бозори билан таништириш, касбий ўз-ўзини белгилаш ва ижтимоий-касбий карьерани режалаштириш;

–касбий фаолиятнинг танланган йўналиши бўйича фаолият усулларини ва меҳнат воситаларини чуқур эгаллаш.

Замонавий педагогик амалиётда мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш вазифалари таҳлили Технология таълими анъаналари ва моддий ишлаб чиқариш соҳасига устувор йўналганлик сақланганлигидан далолат беради. Бу билан шакли бўйича технологик, лекин моҳиятига кўра политехник бўлиб қолган амалий йўнатирилган таълимнинг мақсадлари доираси аниқланади.

Амалиётнинг кўрсатишича, умумий ўрта таълим тизимида технологик тайёрлов истиқболлари, унинг аҳамияти ва ўрни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг кенг ижтимоий касбий шаклланиши эҳтиёжларига мувофиқ ривожланиши вазифалари билан аниқланади. Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ҳозирги замон босқичи илғор назарияси ва амалиёти ижтимоий меҳнат фаолиятининг турли соҳалари тузилмасида амалий йўналтирилган таълим асосларини шакллантириш имконини яратади.

Мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида меҳнат бозори юзага келди, бу эса, ўз навбатида шубҳасиз, таълим бозорига олиб келди. Таълимнинг бозор модели индивиднинг шарт-шароитларига, ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларига, янги ҳуқуқий ва қадриятий йўналишларга мослашиши вазифасини қўяди. Таълим хизматлари тизимига ўтиш буюртмачининг қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда,





таълимга бўлган эҳтиёжларини қониқтириш заруриятини аниқлаб беради[1,2,3].

Технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий вазифаси ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш, таълим ва амалиётнинг ўзаро таъсирини реал мавжудлик билан оптималлаштириш, мактаб ўқувчиларининг ижтимоий-касбий ўз-ўзини белгилашини ва мослашишини таъминлашдан иборат.

“Технология” ўқув фани умумий ўрта таълим тизимида муҳим ўрин эгаллайди ва ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш ва ўқитишнинг зарурий компоненти ҳисобланади ва уларга технологик билимларини амалиётда қўллаш имкониятини яратади. “Технология” ўқув фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишда ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш ҳам педагогик, ҳам бошқарув масалалари ҳал этишни тақозо этди.

Таълим муассасасида технологияни ўқитишдаги инновацион ёндашув- бу ўқув жараёнига таълим муассасаси томонидан киритилган янгиликларнинг йиғиндисини ифода этади. Бу муҳитда ўқитувчининг педагогик фаолияти ва таълим жараёни (ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш)ни муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Инновацион ёндашувни бундай маънода тушунишда технологик таълим учун яратилган педагогик шарт-шароит ўқитувчи фаолиятининг муҳим шarti ҳисобланади.

Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий мақсади ва мазмуни мактаб ўқувчиларини ижодий меҳнатга тайёрлаш ва унинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашдан иборат[59]. Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мақсадлар ва мазмунини жорий этиш технологик таълимнинг узлуксизлиги ва яхлитлигини таъминлашни талаб этади.

Ўқувчиларда қайта ўзгартириш фикрлашини ривожлантириш барча ўқув фанларини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган технологик билимларнинг ажралмас(инвариант) қисми ҳисобланади. Бундай умумлаштирилган тавсиф умумий мақсадларни таърифлаш ва ўқув режасидаги ҳар қандай фан бўйича ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришга қаратилган технологик таълим мазмунини аниқлаш имконини беради(1-жадвал)[3].

1-жадвал

**Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришга қаратилган технологик таълим мазмуни.**

Технологик таълим мақсадлари	Технологик тайёргарлик мазмуни
Ўқувчиларда шахсий сифатларнинг	Яратиш ва қайта ўзгартириш фаолиятида технологик ва функционал саводхонликни шакллантириш, лойиҳалаш,





шаклланиши	яратиш ва меҳнат предметидан фойдаланишда аниқ фаолият турида ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўзини ижодий намоён этишга бўлган қобилиятларни, меҳнатга ижобий муносабатни, мотивацияни меҳнатсеварликни ривожлантириш
Ўқувчининг ижтимоий-маданий ривожланишини таъминлаш асосида уларни технологик фаолиятга, меҳнатга тайёрлаш	Ижтимоий-меҳнат маданияти, хулқ-атвор ва мулоқот, технологик маданият ва меҳнат маданияти, экологик ва эргономик маданият, эстетик маданият, турмуш маданиятини ва шахслараро муносабатларни ривожлантириш.
Меҳнат фаолиятига тайёрлаш орқали инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш	Шахсий имкониятлар, иқтисодий, техник-технологик, эргономик, эстетик ва экологик талаблар; яратиш ва қайта ўзгартириш фаолияти учун омиллар ва шарт-шароитларни мувофиқлаштириш асосида меҳнат фаолиятида сифат ва миқдорий жиҳатидан энг мақбул самарадорликка эришиш бўйича қобилиятларни ривожлантириш орқали инновацион ёндашув орқали ўқувчиларда технологик компентцияларни шакллантириш
Технологик таълим-тарбияни инновацион ёндашув асосида ташкил этиш орқали ўқувчини ҳаётий, ижтимоий ва касбий соҳаларда фаолият кўрсатишга тайёрлаш	Ўз-ўзига баҳо бериш ва ўз мавқеини топишга тайёрликни шакллантириш: эҳтиёжларга эришиш йўлларида, касбий карьера қобилиятлари ва имкониятларида; айти иқтисодий формацияда ижтимоий стратегиялар, ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг мақомига эга даражаларида; ҳаётий фаровонликка эришишнинг турли касбий ва ижтимоий шарт-шароитларидаги имкониятларида.

Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни ва мақсад-вазифаларини жорий этишда ўқитишнинг шакл ва методлари, ўқув жараёнини ташкил қилиш ва таъминлаш шарт-шароитлари ҳамда педагогик фаолият мезонлари ва кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади.

Технологик таълим-тарбияни инновацион ёндашув асосида ташкил этиш орқали ўқувчини ҳаётий, ижтимоий ва касбий соҳаларда фаолият кўрсатишга тайёрлаш ўз-ўзига баҳо бериш ва ўз мавқеини топишга тайёрликни шакллантириш: эҳтиёжларга эришиш йўлларида, касбий карьера қобилиятлари ва имкониятларида; айти иқтисодий формацияда ижтимоий стратегиялар, ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг мақомига эга даражаларида; ҳаётий фаровонликка эришишнинг турли касбий ва ижтимоий шарт-шароитларидаги имкониятларида.

Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни ва мақсадларини жорий этиш барча умумий ўрта таълим соҳалари ва фанларининг кенг қамровли ўзаро таъсирини, ўқувчиларнинг технологик





таълимнинг узлуксизлиги ва яхлитлигини таъминлашни талаб қилади. Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг турли шакллари, тизимлари ва методлари интеграцияси асосида амалий фаолият турларини ўзлаштиришини қамраб олиши керак. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда таълим ресурсларидан уйғун фойдаланиш вазифаси қўйилади.

Технологик компетенцияларни шакллантириш турли хил фаолият турларини уларнинг мазмуни ва якуний натижаларига кўра бирлаштиради. Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш жараёнида ўрганиладиган ўқув амалий фаолият функциялари тузилмаси меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг натижалари бўйича меҳнатни касбий тақсимлаш асосида ишлаб чиқилди. Ўқув фаолиятининг предмети ўқувчиларнинг амалий ишлари нимага йўналтирилган бўлса, шу нарсани аниқлайди. Амалий фаолият функциялари меҳнат предметини тайёр буюмга айлантиришнинг аниқ босқичи вазифалари (эҳтиёжни аниқлаш ва муаммоларни қўйишдан қарорларни ишлаб чиқиш, меҳнат жараёнини ташкил қилиш, уни жорий этиш ва меҳнат маҳсулини амалий қўллашгача бўлган вазифалар) билан белгиланади.

Репродуктив ўқитишнинг педагогик жараёнида жараён тескари тартибда ривожланади. Аввал ўқувчилар тайёр буюмлар билан таништирилади, меҳнат предметларининг функционал имкониятлари ўрганилади.

Кейин типик буюмлар элементлари ва намуналарини яратишга амалий тайёрланади, меҳнат жараёни ташкил қилинади, конструкциялар ва янги буюмлар ишлаб чиқилади, ҳатто комплекс масалаларни ечишга ўргатилади.

Репродуктив ўқув фаолияти функцияларининг кўрсатиб ўтилган изчиллиги меҳнат предмети билан таништиришдан бошланиб, у билан боғлиқ амалий фаолият билимлари ва малакалари мажмуасини эгаллагунга қадар жорий этилади (2.1-расмда – чапдан ўнгга). Олинган таянч тайёргарликнинг интегратив асоси ижодий ўқув масалаларини, шу жумладан, ўқув лойиҳалари шаклидаги масалаларни қўйиш ва ҳал этиш имкониятини яратади. Ижодий ўқув фаолияти реал фаолият босқичлари тартибида (2.1-расмда – ўнгдан чапга) амалга оширилади. Бу эҳтиёжни аниқлашдан то изланувчи, конструкторлик технологик ва яратувчанлик фаолияти жараёнида уни қаноатлантириш воситаларини яратишгача бўлган вақтни қамраб олади. Ўқув лойиҳасининг якуний босқичи тайёр буюмнинг функционал имкониятарини синаш ва олинган натижаларни таҳлил қилишдан иборат.

Маълум бўлган фаолият даражалари типологиясига таяниб[3], мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришда ўқув фаолиятининг қайта тиклаш, такомиллаштириш, ташаббускорлик, ижодкорлик каби тўрт даражасини ажратдик.

Уларни қисқача тавсифлаймиз:





1-даража – типик ўқув вазифаларини ечиш мақсадида намуналарни *қайта тиклаш*;

2-даража – функционал имкониятларини ривожлантириш мақсадида ўқув фаолиятининг мавжуд объектларини *такомиллаштириш*;

3-даража – қўйилган муаммоларни ҳал этиш учун маълум буюмларнинг янги шакллари ишлаб чиқиш ва яратишда *ташаббускорлик*;

4-даража – комплекс ўқув фаолияти жараёнида реал эҳтиёжларни аниқлаш ва амалий таъминлаш асосида эркин ифодаланган *ижодкорлик*.

Амалий фаолиятнинг юқорида кўриб чиқилган функцияларининг ҳар бири лойиҳаларни бажаришда куйидан бошлаб (намуналар бўйича) ва ижодий вазифаларни ҳал этиш даражасигача кўтарилиб, ўқитишнинг у ёки бу даражасида ўрганилиши мумкин. Фаолиятнинг турли функциялари ва даражаларини қиёслаш мактаб ўқувчиларини технологик тайёрлаш жараёнида ўқув фаолиятининг комплекс тизимини яратишга имкон беради.

Технологик компетенцияларни шакллантириш тизими шу маънода инновацион бўлишга қаратилганки, бунда ўқувчи учун субъектив янгилик бўлган ўқув амалий фаолияти ўқитишнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланиши керак. Ўқув фаолиятининг *инновационлиги* мотивация асоси, ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи куч бўлиб ҳисобланади. У ўқувчининг ижодий юксалиш даражасини – ўқитишни ривожлантириш спирали “қадам”ини белгилаб беради.

Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари тизими, шунингдек, таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олиб, ўқитиш метод ва шакллари танланиши динамикасини асослаб беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Технология фанини ўқитишда ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш ҳамда меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари ҳақидаги инновацион ёндашувлар, мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш жараёни, технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий-тузулмавий модели самарадорлигини текшириш мақсадида турли мактабларда тажриба-синов ишлари ўтказилди.

### АДАБИЁТ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.

2. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий – методик асослари.: Автореф. дис. пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 45 б.





3. Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.

– Т.: 2020. –125 б.

4.Зарипов Л.Р. Инновацион таълим шароитида ўқувчиларни технологик тайёрлаш // Педагогика журнали. 2019 йил. № 5. - Б. 92-98.

5.Mangal S.K., Fundamentals of Educational Technology, Ludhiana: Tandon Publications, 1994.

6.Нишоналиев У.Н. Таълим стандартлари ва педагогик инновациялар – Т.; Халқ таълим, 1999, № 6. 28 – 31 бетлар.

7.Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. Монография. Т.: “Фан”. 2004. –168 с.

8.Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. – Т., 2012. – 307 б.

